

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАМАНЯН АРТУР АРАРАТОВИЧ

**ЭНДОМЕТРИОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЕПУШТЛИКНИ
ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Караманян Артур Араратович

Эндометриоз касаллиги билан
боғлиқ бепуштлиқни олиб бориш
тактикасини такомиллаштириш

3

Караманян Артур Араратович

Усовершенствование тактики ведения
бесплодия, ассоциированного
с эндометриозной болезнью

27

Karamanyan Artur Araratovich

Improvement of management tactics
for infertility associated with
endometriotic disease

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАМАНЯН АРТУР АРАРАТОВИЧ

**ЭНДОМЕТРИОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЕПУШТЛИКНИ
ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3690 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пахомова Жанна Евгеньевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбанов Джахонгир Джамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Локшин Вячеслав Нотанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.А. Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда эндометриоз ёки эндометриоз касаллиги сурункали прогрессив эстрогенга боғлиқ касаллик бўлиб, репродуктив ёшдаги аёллар орасида кенг тарқалиб бормоқда. Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...умумий популяцияда эндометриоз касаллигининг тарқалиши 10% га етади, бепуштлиқ билан оғриган аёллар орасида 25-80%, чанокда сурункали оғрик бўлган аёлларда эса 40-80% ни ташкил қилади...»¹. «...Эндометриоз касаллиги билан беморлар кўпинча чанок аъзоларининг етарлича кучли сурункали оғриғидан шикоят қиладилар, касалликнинг клиник белгилари оғрикнинг частотаси, тури ва кучи жиҳатидан эндометриоз касалликнинг босқичига боғлиқ эмас, гарчи бу ҳол беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради...»².

«...Ҳозирги кунда эндометриоз касаллиги туфайли бузилган репродуктив функцияни тиклаш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир, эндометриоз аёллар бепуштлигининг ўртача 50% ни ташкил қилади...»³. Жахонда эндометриознинг этиопатогенези, клиник хусусиятлари ва даволаш тактикаси жиҳатларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўтказилган ташхисот ва даволашда эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, эндометриозда тухумдонлар захирасининг камайиши муаммоси ва кейинги бепуштлиқ жуда долзарб бўлиб қолмоқда. «...Қайталанишларни аниқлашнинг инфорацион ташхисот усуллари, даволаш ва жарроҳлик муолажалари усулларининг самарадорлиги ҳамда реабилитация масалалари мунозарали бўлиб қолмоқда...»⁴.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, жумладан, ҳомиладорликни режалаштираётган аёлларга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, айрим асоратларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ, "... репродуктив ёшдаги аёллар ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологияли парвариш тизимини такомиллаштириш ..." бўйича аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш масалалари ҳал қилинмоқда. Ушбу вазифалардан

¹ El-Ali AM, Tong A, Smereka P, Lala SV. MRI for endometriosis in adolescent patients. // *Pediatr Radiol*. 2025 - №55(1) – p.24-35

² Dumancic S, Bakotin Jakovac M, Mimica MD, Zekic Tomas S, Marusic J. CD56-Positive NK Cells and CD138-Positive Plasma Cells in Basal Decidua of Term Placentas in Singleton Pregnancies After Assisted Reproductive Technology Treatment of Endometriosis-Related Infertility. // *Life (Basel)*. 2025 - №15(2) – p.240-258.

³ Беженарь В.Ф., Круглов С.Ю., Кузьмина Н.С. ва бошқ. Эндометриоз билан оғриган беморларни олиб боришнинг турли усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш ва уларнинг комбинацияланган даволаш стратегиясининг бир қисми сифатида дидрогестерон билан узоқ муддатли шахсийлаштирилган қайталанишга қарши даволашни асослаш. // *Репродукция муаммолари*. 2024 - №30(2) – .102-1116.

⁴ Dai Y, Luo H, Zhu L, Yang W. Dysmenorrhea pattern in adolescences informing adult endometriosis. // *BMC Public Health*. 2024 - №24(1) – p.373-384.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони.

келиб чиққан ҳолда, эндометриоз билан боғлиқ бепуштликни даволашда шахсий ёндашувларни ишлаб чиқишни бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги ПФ–156-сон «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ–6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ–216-сон «2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ–4899-сон «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий шарҳлар эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик полиэтологик хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Bonavina ва ҳаммуаллиф. (2022) ишида патофизиологик механизмлар батафсил муҳокама қилинган ҳамда жарроҳлик даволаш ва ёрдамчи репродуктив технологияларнинг (ЁРТ) биргаликда қўлланишига асосланган табақалаштирилган тактика таклиф қилинган. Шунга ўхшаш хулосалар Cano-Herrera ва ҳаммуаллиф. (2024) тадқиқотларида келтирилган бўлиб, бу касаллик аёлларнинг нафақат фертиллигига, балки ҳаёт сифатига, психо-эмоционал ҳолатига ва ижтимоий мослашувига таъсир кўрсатиши таъкидланган. Сўнгги йилларда тухумдонлар захираси ва фертилликни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. La Marca ва ҳаммуаллиф. (2025) маълумотларига кўра, эндометриоз антимюллеров гормони даражасининг ва антрал фолликулаларининг сони сезиларли даражада пасайиши билан боғлиқ, бу ЁРТ дастурларини эрта қўллаш лозимлигини асослайди. Бундан ташқари, Elizur ва ҳаммуаллиф. (2025) ишларида беморларни олиб боришда шахсийлаштирилган ёндашув зарурати таъкидланган.

МДХ давлатлари олимлари ўтказилган тадқиқотларда (Малышкина А.И., 2020; Зайцев С.А., 2021) эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ кўп омилли хусусиятга эга эканлиги тасдиқланган. Фертиллиқ пасайишининг етакчи механизмлари сурункали яллиғланиш, чандиқли жараён шаклланиши, тухумдонлар захирасининг пасайиши ва овуляция функциясининг бузилиши ҳисобланади. Бир қатор муаллифлар (Боярская Л. А., 2021; Петрова Н. В., 2022) эндометриомали аёлларда антимюллеров гормони даражаси ва антрал фолликулалари сонининг пасайишини кўрсатган. Ушбу тадқиқотлар гормонал профилни эрта мониторинги ва даволаш тактикасини шахсийлаштириш заруратини тасдиқлайди.

Ўзбекистон олимлари томонидан эндометриоз касаллиги бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган, Андижон давлат тиббиёт институтида Х. Каримжонов ва ҳаммуаллиф. (2020) репродуктив ёшдаги аёлларда эндометриознинг учраши ва патоморфологик ўзгаришларини таҳлил қилган. Эндометриоз асосан 25-35 ёшдаги аёлларда учраши, тухумдонларда яққол морфологик ўзгаришлар билан бирга кечиши ва кўпинча бепуштлиқнинг узок анамнези билан боғлиқлиги аниқланган. Бухоро давлат тиббиёт институтида Н.Н. Умидова (2021) ташқи генитал эндометриоз ва унинг репродуктив функцияга таъсири бўйича таҳлилий шарҳ тайёрлаган. Г.М. Мардиева, Х.Н. Бекназарова ва У.Н. Хусанов (2022) ишларида ички генитал эндометриозда ултратовуш ташхосоти самарадорлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. С.А. Тилиеванинг (2022) нашрида эндометриозли аёлларда бепуштлиқни комплекс даволаш натижаларини таҳлил қилинган. Комбинацияланган терапиядан сўнг табиий фертиллиқни тиклашга 44% ҳолларда эришилганлиги кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ билан оғриган беморлар учун замонавий генетик тадқиқотлар ўтказиш ва шахсийлаштирилган олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш зарурлиги, эндометриознинг патогенези ва унинг асоратларини янги нуқтаи назардан кўриб чиқишни, бепуштлиқни даволаш чораларини ишлаб чиқишни талаб этади ва диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент Тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология кафедрасининг “ Аёллар ва болаларнинг тиббий - ижтимоий саломатлиги муаммолари. Ташхисот, прогнозлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларини ҳал қилиш” (Давлат рўйхати №012300281) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахсийлаштирилган даволаш усулларини ишлаб чиқиш учун эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ билан оғриган аёлларда тухумдонларнинг функционал захирасини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эндометриоз касаллиги бўлган аёлларда бепуштлиқнинг клиник хусусиятларини баҳолаш;

эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган аёлларда тухумдонлар захирасини баҳолаш;

роль полиморфизмов rs6165 и rs6166 гена в развитии эндометриозной болезни эндометриоз касалликнинг ривожланишида FSHR генининг rs6165 ва rs6166 полиморфизмларининг ролини баҳолаш;

аёлларда эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик ривожланишининг триггер механизмларини баҳолаш;

аёлларда эндометриоз билан боғлиқ бепуштликни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2024 йилларда 21- 40 ёшдаги 127 бемор ўрганилган, шундан 42 бемор эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган, 53 бемор бепуштликнинг бошқа омиллари билан ва 32 соғлом аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик кон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, клиник-биокимёвий, рентгенологик (УТТ ва МРТ), бачадон бўйини цитологик текшируви, молекуляр-генетик, шунингдек статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган аёлларда тухумдонлар захирасининг пасайишининг янги клиник - анамнестик детерминантлари, шу жумладан касалликнинг давомийлиги, қайталаниш частотаси ва зарарланиш ҳажми аниқланган бўлиб, бу ёрдамчи репродуктив технология дастурлари натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши исботланган;

эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган беморларда репродуктив функцияси ёмонлашувининг объектив биомаркерлари сифатида гормонал профилни баҳолаш ва АФС (антимюллер гормон даражасининг пасайиши, ФСГ ва ЛГнинг ортиши, антрал фолликулалари сонининг камайиши) ни қўлланиши исботланган;

FSHR генининг rs6165 (THR307ALA) ва rs6166 (ASN680SER) генотипларининг полиморфизмларининг тухумдоннинг стимуляцияга жавоб бериш хусусиятлари ва гонадотроп гормонлар даражаси билан боғлиқлиги топилган, бу молекуляр генетик вариантлар тухумдонларнинг индивидуал сезгирлиги ва фертилик прогнозининг муҳим башоратчилари сифатида кўриб чиқишга имкон бериши исботланган;

ишлаб чиқилган алгоритмни клиник амалиётга жорий қилиниши самарадорлиги исботланган, бу даволаш тадбирлари самарадорлигининг ортишини, ҳомиладорликка эришиш давомийлигини қисқаришини, самарасиз стимуляция цикллари сонини пасайиши ва шахсийлаштирилган ёндашувдан фойдаланишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини таъминлаш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

эндометриоз билан касалланган аёлларни клиник маълумотларга асосланган кўп даражали хавфни табақаланиши, гормонал ҳолатни баҳолаш,

тухумдонларнинг заҳира кўрсаткичлари ва генетик башорат қилувчиларни таҳлил қилиш асосида ташхислаш ва олиб бориш учун оригинал алгоритм ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган, бу шахсийлаштирилган даволаш тактикасини шакллантиришни таъминлаши асосланган;

эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик ташхисоти усуллари қиёсий баҳоланган ва қиймати аниқланган, бу ушбу касалликка чалинган аёлларнинг олиб бориш тактикасини оптималлаштириш имконини бериши асосланган;

эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган беморларда гонадотроп гормонлар концентрацияси билан боғлиқ гормонал ҳолат, тухумдонлар заҳираси ва генларнинг полиморфизмидаги ўзгаришлар асосланган;

эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган беморлар учун ишлаб чиқилган шахсийлаштирилган даволаш тактикасининг юқори самарадорлиги исботланган ва **"Эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган беморларни олиб бориш тактикаси"** алгоритми ишлаб чиқилган ва асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, беморлар сонининг етарлилиги, текширувларнинг услубий ишончилиги, клиник, инструментал, молекуляр-генетик, цитологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эндометриозда тухумдонлар заҳираси пасайишининг патогенетик механизмлари ҳақидаги тасаввурлар кенгайтирилганлиги, репродуктив бузилишларнинг шаклланишида генетик мойиллик, гормонал касалликлар ва тухумдонлардаги таркибий ўзгаришларнинг роли ҳақидаги тушунчаларни чуқурлаштирганлиги; эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик ва бепуштликнинг бошқа шаклларининг даволаш натижаларини клиник-анамнестик хусусиятларини қиёслаш ёш жиҳатидан баҳоланган; эндометриоз касаллиги билан оғриган аёлларнинг гормонал ҳолати (лютеинлаштирувчи (ЛГ) ва фолликулани стимуловчи гормонлар (ФСГ), эстрадиол ҳамда антимюллеров гормон (АМГ)) ва тухумдонлар заҳирасидаги ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги; тухумдон заҳираси ва гонадотроп гормони секрециясининг пасайиши билан боғлиқ бўлган FSHR генининг rs6165 (THR307ALA) ва rs6166 rs6166 (ASN680SER) генотипларининг полиморфизмлари ФСГ дори воситалар стимуляциясига рецепторларнинг жавобини ўрганиш нуқтаи назаридан ўрганилганлиги; эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик маркерлари аниқланган ва ушбу патологияси бўлган аёллар учун оптимал олиб бориш тактикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик ташхисоти усуллариининг қиёсий баҳолаш ўтказилганлиги ва

қиймати аниқланганлиги, ушбу касалликка чалинган аёлларни олиб бориш тактикасини оптималлаштиришга имкон берганлиги; эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ билан оғриган беморларда гонадотроп гормонлар концентрацияси билан боғлиқ гормонал ҳолат, тухумдонлар захираси ва генларнинг полиморфизмидаги ўзгаришлар аниқланлиги; эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ билан оғриган беморлар учун ишлаб чиқилган шахсийлаштирилган даволаш тактикасининг юқори самарадорлиги исботланганлиги ва "Эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ билан оғриган беморларни олиб бориш тактикаси" алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ билан оғриган аёлларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: эндометриоз касаллигида бепуштлиқнинг клинико-анамнестик хусусиятларини баҳолаш ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси тиббий-профилактика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амалий фаолиятига, яъни 06.06.2025 йилдаги 42-сонли буйруққа мувофиқ Тошкент шаҳри 9 туманлараро перинатал маркази ва 05.06.2025 йилдаги 55-1-сонли буйруққа кўра Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** репродуктив ёшдаги аёлларда эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқнинг клинико-анамнестик хусусиятларини баҳолашдан иборат. Эндометриоз касаллигида тухумдонлар захирасининг пасайиши 36% ҳолларда қайд этилган. 30 ёшдан ошган аёлларда АМГ даражаси 1,1 нг / мл дан паст бўлса, тухумдонлар захираси максимал ($p=0,00012$) пасаяди. Тухумдон захирасининг пасайиши ёш (30 ёшдан катта), анамнезда ўтказилган тухумдонлар жарроҳлиги, тухумдонларда эндометриоид кисталарининг қайталанувчи кечиши, тухумдонларнинг икки томонлама эндометриоид кисталар билан шикастланиши ҳамда уларнинг ҳажми (4,0 см дан ортиқ) катталиги ва бепуштлиқ давомийлиги $5,17 \pm 2,42$ йил бўлишида кучли корреляцион боғлиқликка эга эканлигини аниқлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** эндометриоз тухумдон кисталари бўлган репродуктив ёшдаги барча беморларга тухумдон захирасини ҳар томонлама баҳолаш, шу жумладан трансвагинал УТТ вақтида антрал фолликулалар сонини аниқлаш билан АМГ ва ФСГнинг қон зардобидеги концентрациясини ўрганиш тавсия этилган, чунки бу репродуктив функцияни сақлаб қолиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик муолажалари ҳажмини ва эндометриоз касаллиқнинг кейинги комплекс даволаш тактикасини юқори самарадорлик билан олдиндан баҳолашга имкон берган. **Хулоса:** Комплекс ташхисот - фақат УТТга нисбатан 1,23 маротаба ва гормонал ташхисотга нисбатан 1,3 маротаба иқтисодий жиҳатдан анча фойдали ҳисобланган, бу 95 бемор учун клиник, инструментал ва лаборатор ташхисоти ҳаражатларини 6 325 765 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: эндометриоз касаллиги билан оғриган аёлларнинг гормонал ҳолати (лютеинлаштирувчи (ЛГ) ва фолликулани стимуловчи гормонлар (ФСГ), эстрадиол ҳамда антимюллеров гормон (АМГ)) ва тухумдонлар захирасидаги ўзгаришлар қиёсий баҳоланган, бу Ўзбекистон Республикаси тиббий-профилактика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амалий фаолиятига, яъни 06.06.2025 йилдаги 42-сонли буйруққа мувофиқ Тошкент шаҳри 9 туманлараро перинатал маркази ва 05.06.2025 йилдаги 55-сонли буйруққа кўра Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали амалиётига жорий этилган (ЎзР ССВ илмий-техник Кенгашининг 07.07.2025 йилдаги 21/62-сонли маълумотномаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ ва бепуштлиқнинг бошқа шакллари билан оғриган аёлларда ЛГ, ФСГ, эстрадиола ва АМГ гормонал ҳолатидаги ўзгаришларнинг хусусиятлари тухумдонлар захирасини аниқлаш билан бирга аниқланган, бу ушбу патологияларни мақсадли равишда қиёслаш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ ва бепуштлиқнинг бошқа шакллари билан оғриган аёлларнинг гормонал ҳолатидаги ўзгаришларининг хусусиятлари тухумдонлар захирасини аниқлаш билан бирга аниқланган, бу ушбу патологияларни мақсадли равишда қиёслаш имконини берган, ўз навбатида бу 95 бемор учун ҳаражатларини 6 325 765 сўмга тежаш имконини беради. **Хулоса:** эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ ва бепуштлиқнинг бошқа шакллари билан оғриган аёлларда ЛГ, ФСГ, эстрадиола ва АМГ гормонал ҳолатидаги ўзгаришларнинг хусусиятлари тухумдонлар захирасини аниқлаш билан бирга аниқланган, бу ушбу патологияларни мақсадли равишда қиёслаш имконини берган, бу молиявий ҳаражатларнинг камайишига олиб келган ва 1 беморга 60 929 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: тухумдон захираси ва гонадотроп гормонлар секретиясининг пасайиши билан боғлиқ FSHR генининг rs6165 (THR307ALA) ва rs6166 (ASN680SER) генотипларининг полиморфизмлари ўрганилган, бу Ўзбекистон Республикаси тиббий-профилактика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амалий фаолиятига, яъни 06.06.2025 йилдаги 42-сонли буйруққа мувофиқ Тошкент шаҳри 9 туманлараро перинатал маркази ва 05.06.2025 йилдаги 55-сонли буйруққа кўра Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали амалиётига жорий этилган (ЎзР ССВ илмий-техник Кенгашининг 07.07.2025 йилдаги 21/62-сонли маълумотномаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ ва бепуштлиқнинг бошқа шакллари билан оғриган аёлларда тухумдон захираси ва гонадотроп гормонлар секретиясининг пасайиши билан боғлиқ FSHR генининг rs6165 (THR307ALA) ва rs6166 (ASN680SER) генотипларининг полиморфизмлари ўрганилган, бу ушбу патологияларни мақсадли равишда фарқлаш имконини берган. FSHR генининг rs6165 генотипининг гетерозиготли СТ полиморфизми бўлган

беморларда ушбу генотипнинг гомозиготли СС полиморфизми бўлган беморларга нисбатан АМГ нинг паст даражалари аниқлаш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** тухумдон захираси пасайиши билан боғлиқ FSHR генининг rs6165 (THR307ALA) ва rs6166 (ASN680SER) генотипларининг полиморфизмлари ўрганиш ташхисотни оптималлаштириш ва 42 бемор учун 73 836 000 сўмни тежаш имконини берган. **Хулоса:** тухумдон захираси пасайиши билан боғлиқ FSHR генининг rs6165 (THR307ALA) ва rs6166 (ASN680SER) генотипларининг полиморфизмлари ўрганиш ташхисотни оптималлаштириш имконини берган, шу билан бирга иқтисодий ҳаражатларни камайтирган ва 1 беморга 1 758 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ маркерлари аниқланган ва ушбу патологияга эга аёллар учун оптимал олиб бориш тактикаси ишлаб чиқилган, бу Ўзбекистон Республикаси тиббий-профилактика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амалий фаолиятига, яъни 06.06.2025 йилдаги 42-сонли буйруққа мувофиқ Тошкент шаҳри 9 туманлараро перинатал маркази ва 05.06.2025 йилдаги 55-І-сонли буйруққа кўра Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали амалиётига жорий этилган (ЎзР ССВ илмий-техник Кенгашининг 07.07.2025 йилдаги 21/62-сонли маълумотномаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ маркерлари аниқланган ва ушбу патология билан фертил ёшдаги ҳар бир бемор учун генетик ва гормонал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда оптимал бошқарув тактикаси ишлаб чиқиш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқ маркерлари аниқланган ва ушбу патологияга эга аёллар учун оптимал олиб бориш тактикаси ишлаб чиқилган, бу ташхисотни оптималлаштириш ва 95 беморга 6 325 765 сўмни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** эндометриоз билан боғлиқ бепуштлиқнинг аниқланган маркерлари ва ушбу патологияга эга аёлларни олиб боришнинг ишлаб чиқилган тактикаси молиявий ҳаражатларнинг пасайишига ва 1 беморга 66 587 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, 4та тезис ва 5та мақола бўлиб, шулардан 2 таси хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва унинг зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги баён қилинган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробация натижалари, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эндометриоз касаллиги ва унга боғлиқ бепуштликнинг тарқалиши, этиопатогенези, ташхисоти, таснифи ва даволашнинг замонавий жиҳатлари(адабиётлар шарҳи)**» номли биринчи бобида эндометриоз касаллигининг таърифи, тарихи ва тарқалишининг ҳозирги маълумотлари, эндометриоз билан боғлиқ бепуштликнинг этиологияси ва патогенези жиҳатлари, ушбу патологияни ташхислаш ва таснифлаш усуллари, ушбу касалликни консерватив ва жарроҳлик даволашнинг замонавий усуллари, уларнинг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш, эндометриоз касаллигининг ривожланишида генетик полиморфизм ролининг чет элда ва мамлакатимизда ўтказилган ташхисот ва даволаш самарадорлиги нуқтаи назаридан тавсифланишига бағишланган замонавий илмий тадқиқотлар таҳлили натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» номли иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи берилган бўлиб, 2022-2024 йилларда 21- 40 ёшдаги (ўртача ёши – $33,55 \pm 5,06$ ёш) 127 бемор ўрганилган, шундан 42 (33,1%) бемор эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан оғриган, 53 (41,7%) бемор бепуштликнинг бошқа омиллари билан ва 32 (25,2%) соғлом аёллар олинган.


Кросс-секцион дизайнида истиқболли таҳлил билан ушбу қиёсий когорт тадқиқоти 3 гуруҳни ўз ичига олган::

I гуруҳ – эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик билан 21-40 ёшдаги (ўртача $34,07 \pm 4,88$ ёш) 42 бемор;

II гуруҳ – бепуштликнинг бошқа шакллари билан 22-40 ёшдаги (ўртача $32,89 \pm 5,19$ ёш) 53 аёл;

III гуруҳ (назорат) – соғлом 21-40 ёшдаги (ўртача $34,12 \pm 4,97$ ёш) 32 аёл;

Меҳнат фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, I гуруҳдаги беморларнинг 36 нафари (85,71%) ва II гуруҳдаги беморларнинг 44 нафари (83,02%) ишлаган, III гуруҳда эса 27 нафари (84,37%) ишлайдиган аёллар вакиллари бўлган. Уй бекалари I гуруҳдаги 6 (14,29%), II гуруҳдаги 9 (16,98%) ва III гуруҳдаги 5 (15,63%) аёл бўлган. Барча гуруҳларнинг беморларининг аксарияти никоҳи қайд қилинган ҳолда яшаган– 33 (78,57%), 42 (79,25%) ва 25 (78,13%) мос равишда (1-расм).



1-расм. Текширилган аёлларнинг тиббий - ижтимоий хусусиятлари, %

Тадқиқот гуруҳлари клинико-анамнестик усул ёрдамида, ваҳима ва депрессия шкалаларини қўллаш, магнит-резонанс томография, чанок аъзоларининг УТТси, умумий ва биокимёвий қон таҳлиллари натижаларини баҳолаш, жинсий гормонларнинг қон зардоби концентрацияси, FSHR генининг rs6165 (THR307ALA) генотиби ва rs6166 (ASN680SER) генотиби полиморфизмларининг молекуляр генетик таҳлил ёрдамида ўрганилди ва олинган тадқиқот натижаларини адекват ва етарли даражада статистик қайта ишлаш усуллари тавсифланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Office Excel-2019 дастурларини қўлланган ҳолда вариацион статистика усуллари, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Кўрсаткичнинг ўртача арифметиғи (M), ўртача квадрат оғишини (SD ёки σ) ҳисоблаш учун ишлатилган.ёки), ўртача стандарт хато (m) ва нисбий қийматларни (частота,%) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилган.

Statistica 12.1 дастури мураккаб математик таҳлил учун ишлатилган. Гуруҳлар ўртасида белгиларнинг тақсимланишидаги фарқларни аниқлаш учун χ^2 мезон қўлланилган. Белгининг статистик аҳамияти $\chi^2 = 3,841$ қийматидан бошланган. Агар назорат (ёки популяцион намуна) ва текширилган гуруҳ ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар мавжуд бўлса, имконят нисбати коэффициенти (odds ratio, OR) 95% ишонч оралиғи (coincidence interval – CI) билан ҳисобланган.

Синовларнинг башоратли аҳамиятини аниқлаш учун сезгирлик, ўзига хослик, ижобий натижанинг башоратли қиймати, салбий натижанинг башоратли қиймати ва ижобий ва салбий синов натижаси учун эҳтимоллик нисбати аниқланган.


Диссертациянинг «Бепуштлиқ билан оғриган беморларнинг клиник, лаборатор, инструментал ва молекуляр генетик хусусиятлари» III бобида тадқиқот гуруҳлари кесимида текширилаётган беморларнинг батафсил анамнестик, клиник, гинекологик, радиологик, инструментал, лаборатор ва

молекуляр генетик хусусиятларини қиёсий таҳлилини баҳолаш билан тақдим этилган.

I гуруҳдаги (n=42) аёлларнинг аксарияти 30-40 ёш гуруҳидаги—23 (54,76%), 30 ёшгача 19 (45,24%) беморлар бўлган. II гуруҳни (n=53) 28 (52,83%) 30-40 ёшдаги аёллар ва 25 (47,17%) 30 ёшгача бўлган аёллар ташкил қилган. Биз шартли ёш тоифалари бўйича шунга ўхшаш тақсимотни III гуруҳда (n=32) аниқладик – 17 (53,13%) ва 15 (46,87%), мос равишда (2-расм). Бу жиҳатдан гуруҳлар деярли бир хил еди ва статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилмади ($p \geq 0,05$).

Бепуштлиқ учун хулқ-атвор хавф омилларини таҳлил қилар эканмиз, I гуруҳда жинсий фаоллик бошланишининг ўртача ёши $20,68 \pm 2,68$ ёш ва II гуруҳда $21,03 \pm 2,45$ ёшни ташкил этганини аниқладик. Ушбу кўрсаткич тадқиқот гуруҳларида III гуруҳдан статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга бўлмаган ($p \geq 0,05$).

Иккала гуруҳдаги асосий шикоят бепуштлиқ эди, иккала тадқиқот гуруҳи таркибида ҳам бирламчи бепуштлиқ устунлик қилди – I гуруҳда 32 (76,19%) ва II гуруҳда 40 (75,47%) беморда. I гуруҳда бепуштлиқнинг ўртача давомийлиги $5,17 \pm 2,38$ йил, II гуруҳда $4,97 \pm 2,19$ йилга тенг ($p \geq 0,05$) бўлди.



2-расм. Беморларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши, %

I ва II гуруҳлардаги аёлларнинг тенглиги, бепуштлиқ давомийлиги, касбий фаолияти ва оилавий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар сезиларли даражада фарқ қилмади ($p \geq 0,05$).

Дисменорея I гуруҳдаги субъектларнинг 27 (64,29%) ва II гуруҳдаги аёлларнинг фақат 14 (26,42%) да қайд этилган. Фарқи статистик жиҳатдан аҳамиятли ($\chi^2=12.198$, $p < 0,001$). Шунини таъкидлаш керакки, III гуруҳда бундай шикоятлар йўқ эди, ҳамда I гуруҳ ($\chi^2=17.884$, $p < 0,001$) ва II гуруҳ ($\chi^2=4.898$, $p=0,046$) билан таққослаганда статистик аҳамиятга эга.

Диспареуния I гуруҳдаги 16 (38,10%) беморларда ва II гуруҳдаги фақат 4 (7,55%) аёлларда ташхисланган. Фарқ статистик аҳамиятга эга ($\chi^2=11.382$, $p < 0,001$). Таъкидлаш жоизки, III гуруҳда бундай шикоятлар кузатилмади, бу I гуруҳ ($\chi^2=7,658$, $p < 0,005$) ва II гуруҳ ($\chi^2=3.456$, $p=0,054$) билан таққослаганда ҳам статистик аҳамиятга эга бўлди (1-жадвал). Қайталанувчи юқори нафас йўллари касалликлари анамнезда I гуруҳ аёллари орасида 21 (50,0%) ва II


гурухда 22 (41,5%), сийдик йўллари инфекцияси эса – 9 (21.43%) 3 (5.66%) қарши II гуруҳда ($\chi^2=3.947$, $p=0.047$) аниқланди.

1-жадвал

Бепуштлиқ билан текширилган беморларнинг шикоятлари (абс., %)


Шикоятлар	I гуруҳ (n=42)		II гуруҳ (n=53)		χ^2	P
	абс.	%	абс.	%		
Бирламчи бепуштлиқ	32	76,19	40	75,47	0.026	0.873
Иккиламчи бепуштлиқ	10	23,81	13	24,53		
Бепуштлиқнинг ўртача давомийлиги, йил ($M\pm\sigma$)	5,17 \pm 2,38		4,97 \pm 2,19		P=0.950826	
Дисменорея	27	64,29	14	26,42	12.198	<0,001
Диспареуния	16	38,10	4	7,55	11.382	<0,001

III гуруҳ билан таққослаганда, фарқ иккала гуруҳда ҳам статистик аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, биз ўрганган аёлларда темир танқислиги анемияси – I гуруҳдаги беморларнинг 14,29 % ва II гуруҳдаги аёлларнинг 11,32 % учради ($p>0,05$). III гуруҳ билан таққослаганда, фарқ иккала гуруҳда ҳам статистик аҳамиятга эга эмас ($p>0,05$) (3- расм).



3-расм. Текширилган беморларнинг ҳамроҳ касалликлари, %

Гинекологик жарроҳликлар таҳлил қилганда, эндометриоз билан гуруҳдаги аёлларда цистэктомия частотаси 38% дан ортиқ бўлиши эътиборни жалб қилади, бу таққослаш гуруҳидан статистик жиҳатдан фарқ этади. Иккала гуруҳдаги аёлларда анамнездаги гинекологик операциялардан энг кўп туботомиялар ва полипэктомиялар топилган, бироқ статистик жиҳатдан сезиларли аҳамиятсиз (4-расм). Ёш бўйича менархе таҳлилида гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар аниқламади – I гуруҳда 12,31 \pm 0,23 ёш, II гуруҳда 12,92 \pm 0,89 ва III гуруҳда 13,12 \pm 0,33 ёш мос равишда ($p>0,05$). I гуруҳдаги атиги 11 (26,2%) беморларда ва II гуруҳдаги 20 (37,7%) аёлларда мунтазам ҳайз цикли кузатилган.



4-расм. Бепуштлик билан беморларнинг ўтказган жарроҳлик амалиётлари, %

Ўрганилган аёллар гуруҳлари орасида тиббий аборт жуда кенг тарқалган бўлиб, эндометриоз билан боғлиқ бепуштлик гуруҳида-20 (46,7%) ва таққослаш гуруҳида - 23 (43,09%) беморларда учради. Шундай қилиб, абортлар эндометриоз касаллигининг намоён бўлиши ёки ривожланишига олиб келадиган билвосита хавф омили сифатида қаралиши мумкин.

I гуруҳнинг 32 (76,19%) ва II гуруҳнинг 35 (66,04%) беморлари туғмаган, ҳамда гуруҳлараро фарқнинг статистик аҳамияти бўлмади ($\chi^2 < 3.841$, $p > 0.05$), III гуруҳдаги атиги 10 (31,25%) аёл туғмаган. I ва III гуруҳлар ($p < 0,001$) ва II ва III гуруҳлар ўртасидаги статистик жиҳатдан муҳим фарқ ($p = 0.002$) аниқланди.

Биз гуруҳлар ўртасида анамнезида 1 туғруқ бўлган аёллар нисбатида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ йўқлигини аниқладик ($p > 0,05$). I ва II гуруҳларда анамнезида 2 ёки ундан ортиқ туғруқ бўлган аёлларнинг III гуруҳга нисбатан паст улушида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ кузатилди (мос равишда $p = 0,003$ ва $p = 0,005$), I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқнинг статистик аҳамияти йўқ эди ($p = 0,897$). II ва III гуруҳларнинг анамнезида туғруқнинг ўртача сонини III гуруҳга нисбатан қиёсий таҳлилида бир хил тенденция қайд этилди (мос равишда $p = 0,0003$ ва $p = 0,036$).

Бейхтиёр ҳомила тушишидан азият чекмаган аёллар устунлиги – I гуруҳда 33 (78,57%) ва II гуруҳда 34 (64,15%), гуруҳлараро фарқнинг статистик аҳамияти бўлмаган ҳолда ($\chi^2 < 3.841$, $p > 0.05$) ва III гуруҳга нисбатан қайд этилди. Ҳар қандай гуруҳда, шу жумладан III гуруҳда анамнезида 1 бейхтиёр ҳомила тушишидан ва 2 ёки ундан ортиқ бейхтиёр ҳомила тушишидан бўлган аёллар улушида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ йўқ эди.

I гуруҳни II ва III гуруҳлар билан гуруҳлараро таққослашда МРТда "шоколадли кисталари" учраш частотасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқни топдик ($\chi^2 = 65.802$, $p < 0,001$), II ва III гуруҳларда бундай фарқ топилмади (2-жадвал), бу бепуштлик билан оғриган беморларда ушбу хусусият ўртасидаги аниқ фарқларни кўрсатади, лекин бу хусусиятнинг аксарияти ЭКни тавсифлайди. Аденомиозни яққол аниқлаш учун гистологик текширув билан эндометрий биопсия билан гистероскопия ўтказилди.

Бепуштлик билан оғриган беморларнинг МРТ ва УТТда текшилган кўрсаткичлари (абс., %)

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=42)		II гуруҳ (n=53)		III гуруҳ (n=32)		P1	P2	P3
	абс.	%	абс.	%	абс.	%			
«Шоколадли кисталар» (МРТ бўйича)	31	73,81	0	0	0	0	<0.001	<0.001	-
Аденомиоз	11	26,19	0	0	0	0	<0.001	<0.001	-
Тухумдон кисталарининг аденомиоз билан комбинацияси	6	14,29	0	0	0	0	0.005	0.026	-
Тухумдонларнинг катталашиши	22	52,38	8	15,09	2	6,25	<0.001	<0,001	0.221
Гидросальпингс	6	14,29	5	9,43	0	0,0	0.463	0.026	0.074
Тухумдон экзогенлигининг пасайиши	8	19,05	10	18,87	1	3,13	0.810	0.038	0.037
Тухумдон капсуласининг қалинлашиши	3	7,14	6	11,32	0	0,0	0.472	0.123	0.049
Ўрта АФС	5,2±1,5		7,1±2,7		13,8±2,3		0.539	0.0025	0.062

Илова: P1 –I ва II гуруҳларни таққослаш, P2 –I ва III гуруҳларни таққослаш, P3 –II ва III гуруҳларни таққослаш.


Гистероскопия вақтида бачадон бўшлиғининг баъзи ассиметрияси, бачадон деворларининг қалинлашиши, эндометриядаги "кўзчалар" (кўкимтир тусли нуқтали тешиқлар) мавжудлиги, кўкимтир -бинафша тусли қўшимчали майдонлар, васкуляризациянинг кучайиши, гиперемия ва тегилганда эндометрийдан қон кетиши ўзига эътибор жалб қилади.

Асосий колпоскопик белгилар: бачадон бўйни нотекис юзаси - қалинлашган майдонлар, нотекис-"ғадир-будур" зоналар, баъзида эндометриод инфилтратларни эслатадиган; кўкимтир-бинафша ёки жигарранг тусли ўчоқлари, айниқса, циклнинг иккинчи босқичида ёки ҳайз кўришдан олдин сезилади.

Гистологик текширувда миометрийдagi эндометриал безлар ва стромаларни аниқлаш билан биргаликда силлиқ мушак толаларининг гиперплазияси ва сурункали яллиғланишли фибротик ўзгаришларига эътибор қаратилади.

Биз гуруҳлараро таққослашда Рақамли Рейтинг Шкаласи бўйича жинсий аъзолар соҳасидаги оғрикни субъектив баҳолашда статистик жиҳатдан муҳим фарқни топдик - I гуруҳда ўртача симптом баллари 7,32±0,45 балл, II - 1,45±0,86 балл (P=0,000001), бу белги эндометриознинг клиник маркерига айланди.

Беморларнинг аҳволини субъектив баҳолаш натижаларига кўра, эндометриоз билан беморларнинг психологик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли тиббий ва ижтимоий муаммо сифатида қаралиши керак, HADS шкаласи бўйича ваҳима ва депрессияни субклиник даражага, STAI шкаласи бўйича шахсий ва реактив ваҳималарни сезиларли даражада оширади, бу статистик жиҳатдан НГ ёш меъёрларидан сезиларли даражада фарқ қилди ($p \leq 0,05$) (5 -расм).



5-расм. Беморларнинг ўз ҳолатини шкала ва сўровномалардаги балларда субъектив баҳолаши, баллар

I гуруҳдаги АМГнинг қон зардобидаги даражаси статистик жиҳатдан III гуруҳга (2.2 ± 0.3 нг/мл) қараганда анча паст эканлиги аниқланди 1.1 ± 0.4 нг/мл, II гуруҳда 1.3 ± 0.5 нг/мл ($p=0,030$ и $p=0,036$) I ва II гуруҳлар ўртасида гуруҳлараро фарқ бўлмади ($p=0,755$). Аммо, биз I ва II гуруҳлардаги АМГ концентрациясининг III гуруҳ даражасига нисбатан статистик жиҳатдан деярли икки баравар пасайишини топдик (мос равишда $p=0,030$ ва $p=0,036$).

Қон зардобидаги ФСГ концентрацияси I гуруҳда 8.2 ± 0.5 мМЕ/л ва II гуруҳда – $7.9 \pm 0,4$ мМЕ/л, III гуруҳда эса – $6.5 \pm 0,4$ мМЕ/л ни ташкил этди, I ва II гуруҳлар ўртасида гуруҳлараро фарқ кузатилмасда ($p=0,009$ ва $p=0,015$) III гуруҳ нормадан статистик жиҳатдан анча юқори ($p=0,640$) бўлди.

Қон зардобидаги ЛГ даражаси I гуруҳда 7.5 ± 0.4 мМЕ/л ва II гуруҳда – 6.8 ± 0.3 мМЕ/л, III гуруҳда – $6.2 \pm 0,3$ мМЕ/л ни ташкил этди, бунда I ва II гуруҳлар ўртасида гуруҳлараро фарқ бўлмаганда ($p=0,010$ ва $p=0,160$) III гуруҳ меъёридан статистик жиҳатдан анча юқори эди ($p=0,164$).

Қон зардобидаги эстрадиол концентрацияси I гуруҳда 150.2 ± 14.7 пг/мл ва II гуруҳда – 140.1 ± 13.6 пг/мл, III гуруҳда эса – 120.3 ± 11.2 пг/мл ни ташкил этди, I ва II гуруҳлар ўртасида гуруҳлараро фарқ кузатилмасда ($p=0,110$ ва $p=0,285$) III гуруҳ нормадан статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ($p=0,627$) бўлди.

Қон зардобидаги прогестерон концентрацияси I гуруҳда 12.5 ± 0.9 нг/мл ва II гуруҳда – 13.2 ± 1.1 нг/мл, III гуруҳда эса – 14.5 ± 0.7 пг/мл ни ташкил этди, гуруҳлараро таққослаш ҳеч қандай статистик аҳамиятга эга ($p \geq 0,05$) (2-жадвал).

Антрал фолликулларнинг ўртача сони I гуруҳда $5,2 \pm 1,5$ ни, II гуруҳда $7,1 \pm 2,7$ ни, III гуруҳда эса $13,8 \pm 2,3$ ни ташкил этди, бу $p=0.002329$ ва $p=0.042060$ даражасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқга эга бўлди, яъни ТЗнинг пасайиши ўрганилаётган гуруҳлардаги, асосан I гуруҳдаги аёллар учун хосдир.

3- жадвал

Текширилган беморларнинг қон зардобидagi гормонлар концентрацияси ($M \pm m$)

Гормонлар	I гуруҳ (n=42)	II гуруҳ (n=53)	III гуруҳ (n=32)	P1	P2	P3
АМГ, нг/мл	1.1 ± 0.4	1.3 ± 0.3	2.2 ± 0.3	0.755	0.030	0.036
ФСГ, мМЕ/л	8.2 ± 0.5	7.9 ± 0.4	6.5 ± 0.4	0.640	0.009	0.015
ЛГ, мМЕ/мл	7.5 ± 0.4	6.8 ± 0.3	6.2 ± 0.3	0.164	0.010	0.160
Эстрадиол, пг/мл	150.2 ± 14.7	140.1 ± 13.6	120.3 ± 11.2	0.627	0.110	0.285
Прогестерон, нг/мл	12.5 ± 0.9	13.2 ± 1.1	14.5 ± 0.7	0.623	0.082	0.321

Илова: P1 –I ва II гуруҳларни таққослаш, P2 –I ва III гуруҳларни таққослаш, P3 –II ва III гуруҳларни таққослаш.

Биз полиморфизмларнинг пайдо бўлишининг частотали таҳлилини ўтказдик. Эндометриоз билан оғриган беморлар ва соғлом аёллар ўртасида rs6165 генотипларини тақсимланишида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланди ($\chi^2=6.18$, $p=0.0456$), бу ушбу полиморфизмнинг эндометриоздаги бепуштлиқ хавфи билан боғлиқлигини тасдиқлайди ($p<0.05$) (4- жадвал).

4- жадвал

Генотиплар ва аллелларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

№	rs6165 ген FSHR	Аллелларнинг частотаси				Генотиплар тақсимланишининг частотаси					
		C		T		CC		CT		TT	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	I гуруҳ (n=42)	51	60,7	33	39,3	15	35,7	21	50	6	14,3
2	II гуруҳ (n=53)	59	55,7	47	44,3	18	34	23	43,4	12	22,6
3	III гуруҳ (n=32)	31	48,4	33	51,6	11	34,4	9	28,1	12	37,5

№	rs6166 ген FSHR	Аллелларнинг частотаси				Генотиплар тақсимланишининг частотаси					
		A		G		AA		AG		GG	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	I гуруҳ (n=42)	49	58,3	35	41,7	12	28,6	25	59,5	5	11,9
2	II гуруҳ (n=53)	60	56,6	46	43,4	15	28,3	30	56,6	8	15,1
3	III гуруҳ (n=32)	33	51,6	31	48,4	10	31,2	13	40,6	9	28,1

